

БЎЛҒУСИ ТАРИХЧИНИНГ КИТОБХОНЛИК ФАЗИЛАТИ

**Шокирова С., Сирдарё Педагогика коллежи ўқитувчиси
Сатторова Р., ГулДУ ходими**

Бугунги кунда жамият, халқ ишига ярайдиган, ўзлигини биладиган, ўзлигини, ўтмишини ҳурмат қиладиган, миллий онги, миллий ғояси, мақсади бор ёшларни тарбиялаш бугун зиёлилар, ота-оналар олдидаги энг долзарб вазифадир. Бугун биз бутун олимлар, зиёлилар баркамол, комил ёшларни тарбиялаш учун турли хил анжуманлар, учрашувлар ўтказаямиз, янги фанлар, махсус курслар ташкил қиляпмиз, қисқаси, кўплаб қоғозлар қоралаямиз. Баркамол, комил инсон қандай воситалар орқали шаклланади? Баркамолликнинг белгилари жуда кўп. Энг асосийларидан бири китобхонлик.

«Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади» (Э.Лабуле). «Ғоят доно хатти-ҳаракатларда туғилувчи эзгу саховатларимизнинг асосий қисми учун биз китобдан қарздормиз», - деган эди Р.Эмерсон.

Талабаларни китобхонликка жалб қилиш бўйича университетда муайян ишлар қилинди.

Университетимиздаги барча 24 та кафедрада кичик кутубхоналар ташкил қилинган. Мавжуд 6 та факультетда ҳам кутубхоналар бор. Талабалар турар жойи “Маънавият ва маърифат” хонасида кутубхона мавжуд. Университет АРМининг ўзида илмий ходимлар, аспирант-стажёрлар хоналари, диссертация, авторефератлар заллари ташкил этилган. Талабаларни ўқиши учун барча шарт-шароит бор.

Бўлғуси тарихчини китоб ўқишга жалб қилишни боғчадан, уйдан бошлаш лозим. Бунинг учун боғчаларда болалар ёши, психик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кичик кутубхоналар ташкил қилиш лозим. Шунингдек, мактаб АРМи фаолиятини янада жонлантириш зарур. Китоб инсонларни ўтмиши билан таништиради. Китоб инсонларни келажаги билан юзлаштиради. «Соғлом авлод тарбияси барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиз», «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий – ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур» - деган эди Президентимиз И.Каримов.

Баркамол инсон жамиятдаги тараққиётни кўра оладиган, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний, экологик, касбий, билимга эга бўлиши шарт. Бу билимларни эса инсонга китоб беради.

Китоб - инсонларда барча фазилатларни вужудга келтиради.

Китоб инсонларда ватанпарварлик, эркинлик, инсонпарварлик, миллий ифтихор, меҳнатсеварлик, имон-эътиқодлилик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, одиллик, биродарлик, билимлилик, онглилик, ҳурфикрлилик, фидойилик, байналминаллик каби хислатларни шакллантиради.

Китоб ўқиш йўли – ўзликни англаш йўлидир. Илм – ўзни билмакдир.

Бу борада айрим таклифларимиз:

1. Болалар боғчаларида кичик кутубхоналар ташкил қилиш;
2. Барча қишлоқларда АРМ ташкил қилиш;
3. Мактаб АРМлари фаолиятини кенгайтириш;
4. Мактаб АРМ ходимлари бутун таътил вақтида ишлашини таъминлаш лозим;
5. Мактаб АРМ фондини ҳомийлар ёрдамида бойитишни йўлга қўйиш лозим;
6. Ҳар бир ўқув юртида янги илмий асарлар тақдироти йўлга қўйилса яхши бўларди;
7. Мактабларда китобхон оила танловлари ўтказилиши лозим;
8. Оилада болаларни китоб ўқишга жалб қилиш учун ота-оналарга маслаҳатлар бериш.

9. Оммавий газеталарда ўқиш лозим бўлган китоблар рўйхати бериш;
Демак, кўп китоб ўқисак, сотиб олсак, байрамларда, туғилган кунларда китоб совға қилсак комиллик томон қадам ташлаган бўламиз.